



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 21 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 227 (12.538)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

ҚУЁШ НУРИНИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА АЙЛАНТИРИШ САНЪАТИ



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз энергия мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш, экологик соф технологияларни ҳаётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратишда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш, бу борадаги илмий изланишларни

қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай эътибор ва рағбат самараларини пойтахтимиздаги «Solar Energy Products» масъулияти чекланган жамияти фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

2013 йил февраль ойида корхонага бир йилда 4 мегаваттлик қуёш панеллари ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий дастгоҳлар ўрнатилган эди. Ҳозир бу ерда қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган ўн турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Кўча ва объектларни ёритадиган фотоэлектр тизимлар, 100 метрга-ча чуқурликдаги қудуқлардан сув тортиш, электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи қурилмалар, фавқуллоҳда ҳолатларда электр энергияси билан таъминловчи кўпфункционали мо-

биль тизимлар, қуввати 2-50 ваттлик техник воситаларни зарядлаш мосламалари шулар жумласидандир.

Корхонамиз махсусотлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти томонидан ишлаб чиқилган технология асосида тайёрланмоқда, дейди «Solar Energy Products» масъулияти чекланган жамияти директори Иброҳим Ғуломов. Бу технология Ўзбекистон иқлим шароитига тўла мослиги билан ҳам аҳамиятлидир. Хорижда ишлаб чиқарилган қуёш панеллари мамлакатимизнинг континентал иқлимига, экстремал шароитларга тўғри келмайди. Бизнинг махсусотларимиз эса 20 даражагача совуқ ва 80 даражагача иссиқда ҳам мунтазам ишлаши мумкин.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА

Тошкент шаҳрида 20-23 ноябрь кунлари Осиё Қуёш энергияси форумининг 6-йигилиши бўлиб ўтади. Мазкур халқаро анжуманда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган хорижлик мутахассислар, олимлар ва экспертлар 20 ноябрь кунин Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бўлиб, ушбу институт фаолияти, тадқиқотчилар учун яратилган шарт-шароит, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар билан танишдилар. Туманда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий уй-жойларни бориб кўрдилар. ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Апприянто КУКУ, «Green Energy» компанияси директори (Индонезия):

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган тадқиқотлар ва илмий-техник ютуқлар билан танишдик. Илгор технологиялар билан жиҳозланган институтида ўтказилаётган илмий тадқиқотлар самаралари Ўзбекистон иқтисодиётининг кўллаб тармоқ ва соҳаларида кенг жорий этилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонлик мутахассислар билан қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича фаол ҳамкорлик қилиш ниятидамыз.

Иштван ХЕЦЛЕР, «Sonnenkraft» компанияси савдо директори (Венгрия):

– Ўзбекистон муқобил энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга эканига ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, мамлакатингиз иқлими қуёш энергиясидан фойдаланишда жуда қўл келади. Ўзбекистонда йилнинг қарийб 300 кунин офтоб чарақлаб туриши қуёш энергиясидан фойдаланишда улкан имкониятдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа молия институтлари билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган Халқаро қуёш энергияси институти бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганчда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши ва Урганч шаҳар бўлими томонидан Конституция кунига бағишланган «Юрт равнақи – менинг келажгим» шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Хоразм вилояти ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда талабалар, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари иштирок этди.

• Қарши шаҳрида «Йил аёли – 2013» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида ижтимоий-маданий, иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган 12 нафар аёл иштирок этди. Якуний натижага кўра, Ғузор туманидаги «Ферузбек Абдусамад ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Жонкуватова биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўللана олди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган асал байрами Оролбўйи ҳудудида асарларчиликни янада ривожлантириш, етиштирилаётган маҳсулот сифатини оширишга бағишланди.

• Жиззах шаҳрида қурилиш техникалари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда республикаимиздаги етакчи лизинг компаниялари ўзларининг қурилиш техникалари ва асбоб-ускуналари намуналарини ҳамда уларни етказиб бериш бўйича хизмат турларини намойиш этди. Ярмаркада лизинг компаниялари ва қурилиш ташкилотлари ўртасида амалий музокаралар ўтказилиб, ўзаро келишув ва шартномалар имзоланди.

ЖАҲОНДА

• Жаҳондаги энг яхши университетлар рўйхатида кирувчи камида иккита университетга эга ва аҳолиси 250 минг кишидан паст бўлмаган шаҳарлар ўртасида ўтказилган рейтинг сўровномасига кўра, Париж, Лондон ва Сингапур дунёдаги энг яхши талабалар шаҳарлари деб эътироф этилди.

• Франциянинг марказий қисмидаги Бургундия шаҳри атрофида бортида олти киши бўлган TDM-700 русумли энгил самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида барча йўловчи ва учувчилар ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

• Кеча Эроннинг Бушер музофотида 4,9 магнитудали зилзила содир бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, зилзила маркази АЭС яқинида жойлашган Бушер шаҳридан 100 километр нарида жойлашган.

• Лондонлик 29 ёшли Тейлор исмли аёл «Санбери» супермаркетинида харид қилган бананларни уйга келтириб, столга қўйганидан сўнг ногаҳон ўнлаб ўта захарли ўргимчакларнинг мевадан чиқиб, уй бўйлаб тарқалиб кетаётганини кўриб қолди. Чакирув бўйича уйга келган зарарли ҳашаротлар билан курашувчи хизмат ходимлари барча хонадон аъзоларини хавфсиз жойларга кўчиришди. Санитария хизмати мутахассислари ушбу ҳолатни тасдиқлашиб, бананлар Бразилиянинг захарли ўргимчаклари жойлашиб оладиган одатий мева эканлигини таъкидладилар.

ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

«Ўзэкспомарказ» кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон матбуоти III Миллий кўргазмаси бошланди

Мазкур кўргазма Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қатор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Ҳўжамбердиев, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан бирга оммавий ахборот воситалари, матбаа, нашриёт соҳаларини жадал равишда тўлтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда ҳам сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Ахборот соҳасини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар оммавий ахборот воситаларининг фаол ривожланиши учун кенг имкониятлар очмоқда.

Соҳага давлатимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор натижасида оммавий ахборот воситалари амалга оширилаётган изчил ислохотлар оқибатида, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг глобал интернет тармоғидан жой олиши учун кенг имкониятлар яратилгани барча соҳалардаги тўб ўзгаришларнинг оқибатини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон медиа тузилмаларининг мамлакатимиз ва хорижда бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро форумларда мунтазам иштирок этаётгани жаҳон ахборот маконида уларнинг муносиб ва фаол ўрни борлигини далolatдир.

(Давоми 2-бетда)

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

23-24 ноябрь кунларида ҳам хайрли ва эзгу ишлар давом этади

Қадрли ҳамшаҳарлар!

Мана эшигимизни қоқиб қиш мавсуми кириб келмоқда. Кунин кеча ёмғир аралаш қор ҳам ёғиб ўтди. Яна қуёшли кунлар бизни ҳашарга чорламоқда. Вақт ганимат. Шундай экан айни шу давларда дарахтлардан тўкилган барглари тозалаш ва атроф-муҳит озодалигига эътибор беришимиз муҳим аҳамиятга эга. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳазонрезилар ёқилишига асло йўл қўймаслигимиз керак.

Жорий йилнинг 23-24 ноябрь кунлари ҳам шаҳримизда ҳашар ўтказилади. Унда барчамиз фаол иштирок этайлик.

Ушбу хайрли ишга маҳалла ахли, корхона ва ташкилот ходимлари, олий, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, ёшларнинг кенг жалб этилиши азалий қадриятимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътибор белгисидир.



Азиз ҳамшаҳарлар!

Азим шаҳримизни янада ораста ва озода қилиш мақсадида ҳар биримиз ҳудудимизнинг санитар ҳолатини янада яхшилашга, ҳазонрезгидан тозалашга ўз ҳиссамизни қўшайлик! Бу хайрли ва эзгу ишларга оиламиз, фарзандларимиз билан биргаликда бош қўшсак, шаҳримиз янада обод ва гўзал бўлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** пойтахтимиздаги «Иссиқлик қуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхонасида «Тинчлик,

барқдорлик, ҳамкорлик – Ўзбекистон давлатининг учта устунидир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кен-

гашида Шайхонтоҳур туманидаги умумтаълим мактаблари ўртасида «Ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдори» шиори остида тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Тошкентшаҳаргаз» филиалида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилиши муносабати билан тадбир ташкил этилди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

БОШ ҚОМУСИМИЗ МУСТАҲКАМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНИ

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари, хусусан иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳаларда қўлга киритилаётган юксак марралар беқийс бўлиб, бу салмоқли ютуқлар дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли эътирофга сазовор бўлмоқда. Бу давлатимизнинг мустақиллик йилларида узоқни кўзлаб олиб бораётган босқичма-босқич ислохотлари ва изчил сиёсатининг натижасидир.

Бугун сиз-у биз яшаётган мана шу муқаддас Ватанда инсоннинг улуғлиги, қўлини, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларининг асл ва олий қадрият сифатида тан олинган ва бунинг ҳаётда ўз инъикосини топиши, шубҳасиз, истиқлолнинг буюк шарофатидир. Бу ислохотлар ва марраларнинг асосий негизда эса – Асосий Қомусимиз ҳисобланмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси туради.

Ўтган йилгирма икки йил ичида мустақил халқимиз қўндалик турмуш ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган Конституциямизни жамиятимиздаги мавжуд ва замон ўтиши билан ривожланиб боруни ижтимоий муносабатлар талабига тўлақонли равишда жавоб бера олувчи, қўнчилигимиз тамал тошини қўйган дурдона қомусга қийс қилсак арзийди.

Бинобарин, Асосий Қомусимизнинг алоҳида тартибда оила муносабатларига бағишланган биргина XIV боби ҳусусида атрофлича тўхталадиган бўлсак, унга тўртта модда бағишланган бўлиб, жумладан, Конституциямизнинг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосланган» дейилган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда юртимизда ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг тинчлик ва тотувлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлашимиз мумкин. Зеро, халқимизнинг эртанги келажаги, Ватанимизнинг келгуси тараққиётини муносиб таъминлай оладиган ёшлар мана шу –

оила деб аталмиш мўъжаз кўрғонда униб-ўсиб, камол топади. Уларнинг келажақда қандай инсон бўлиб етишишлари эса кўп жиҳатдан оиладаги муҳитга, шароитга ҳамбарас бодлиқдир.

Шу ўринда яна бир гап. «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда, 1-банди) каби модданинг миллий Конституциямизда ўз ифодасини топиши, шубҳасиз, бизнинг қадимги анъана ва урф-одатларимиз ёки бошқача айтганда, халқимиз менталитети, миллий табиатига бориб тақалади. Хусусан, Марказий Осиё тарихи бўйича энг қадимги манба ҳисобланмиш «Авесто»да ҳам оила муносабатларига тўхталди: «Оила жамиятнинг асосий негизидир» дея фарзанднинг ота-онага нисбатан бурич мавжудлиги қайд этилган. Ва-

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан «Ехросонтас» МЧЖ ва Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида «Ўзқўрғазмасавдо» марказида боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчилик соҳасидаги «AgroFood-2013» номли халқаро кўргазма бўлиб ўтмоқда.

Тадбирни уюштиришдан асосий мақсад қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги инновацион технологияларнинг ҳолати, шунингдек, боғдорчилик, асаларичилик ва гулчилик соҳасидаги илмий ишланмаларни Ўзбекистон фермерлари ва бизнес бирлашмалари ўртасида кенг тарғиб этиш ҳисобланади.

Кўргазмада Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг энг яхши фермер ҳўжаликлари, агрофирмалари, асаларичилари, гулчилари, шунингдек, Хитой, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган чет эллик иштирокчилар, GIZ, UNDPнинг халқаро лойиҳалари, «Ўзқимёсаноат» ДАК корхонаси, «Ўзвинёсаноат» компанияси, ошпазлар уюшмаси, Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси, Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ассоциацияси, бошқа корхона ва ташкилотлар иштирок этмоқда.

Кўргазмадан мева-сабзавотларнинг энг яхши навлари, цитрус ўсимлик турлари, шунингдек, бошқа хилдаги манзарали ўсимликлардан ташқари ландшафт дизайни бўйича технологиялар, замонавий иссиқхоналар, қуёш ёрдамида қуритилган моласмалар, органик ва минерал ўғитлар, узумчилик ва асаларичилик маҳсулотлари (асал, прополис, сут ва бошқалар) ўрин олган.

Тадбир доирасида ташкил этиладиган конференция дастури ўз ичига боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчиликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлиги оид масалалар муҳокамасини қамраб олади. Шунингдек, конференциянинг ишчи дастурига кўра миллий ва халқаро ташкилотлар томонидан қатор йўналишлар бўйича, жумладан маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга доир тақдиротлар ўтказилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли микробиология институтининг янги биоўғитлаш орқали тоза экологик сабзавотлар етиштириш масаласи бўйича тақдироти ҳам қизиқарли ўтди. Бундан ташқари асосий эътиборни янги турдаги ўсимликлар, яъни ишлаб чиқаришга қиритилган топинамбур, сабзавотли соя, дайкон, қарам ва бошқа маҳаллий маҳсулотлар ўзига жалб этди.

Бундан ташқари Марказий Осиё давлатлари қишлоқ ҳўжалигининг органик соҳасидаги экспорт бўйича ҳамкорликни ривожлантириш қаратилган алоҳида сессия ўтказилди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг илгор мутахассислари органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тарқатиш, етказиб бериш ва экспорт қилиш масалалари бўйича мунозаралар ўтказилди.

(Ўз мухбиримиз)

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситаларини зарур ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона, Солиқ, Статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Бу борада эришилаётган муваффақиятларга оид ахборотларнинг аҳолига мунтазам етказилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис барча давлат органлари қатори Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, солиқ, божхона, статистика органларида ҳам ахборот хизматлари фаолияти тобора такомиллаштирилмоқда. Уларнинг оммавий ахборот воситалари билан йўлга қўйилган мунтазам ҳамкорлиги натижасида соҳага оид ахборот ва аниқликлардан кенг жамоатчилик мунтазам хабардор бўлиб бормоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси ва ҳудудий солиқ бошқармаларининг ахборот хизматлари томонидан 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати, солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларнинг ижтимоий аҳамияти, шунингдек, қўн ҳўжатларига асосан берилаётган солиқ имтиёзларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролига доир 7,5 мингдан ортиқ чиқиш қилинган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши шини комплекс тарзда таҳлил этиш, шу асосда зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги самарали фаолият кўрсатмоқда. Вазирлиқнинг ахборот хизмати томонидан ҳар чоракда мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига доир батафсил маълумотлар тайёрланиб, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилмоқда.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона ва Статистика қўмиталари ахборот хизматлари томонидан ҳам бу борада изчил ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда мазкур вазирлик ва идораларнинг расмий веб-сайтлари орқали интерфаол хизматлар кўрсатиш қўлама тобора кенгайиб бораётгани улар фаолиятининг очилигини таъминлашга хизмат қилаётгани қайд этилди. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тарқатилган ахборотларнинг тўғри, ҳолис ва тезкорлигини таъминлашда томонларнинг масъулиятини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ҚУЁШ НУРИНИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА АЙЛАНТИРИШ САНЪАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корхона маҳсулотлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан рухсат этилган техник шартлар асосида ишлаб чиқарилаётгани боис, ундан фойдаланиш учун қўшимча рухсатномалар талаб этилмайди. Қуёш батареялари мижозларнинг буюртмасига асосан исталган кувватда тайёрланади. Маҳсулотларга 20 йилгача кафолат берилади. Бу давр ичида уларга бепул сервис хизмати кўрсатилади.

«Solar Energy Products» маҳсулотлари фотоэлектрик батарея, шунингдек, инвертор, аккумулятор каби қўшимча қурилмалар билан таъминланган турли қувватли фотоэлектрик қурилмалар кўринишида ҳам ишлаб чиқарилади. Уларни тайёрлашда фойдали иш коэффициентини юқори бўлган қуёш элементлари, электрон блокларнинг замонавий элементлар базаси ҳамда электр энергиясини аккумуляциялаш тизимлари қўлланилади. Маҳсулот баҳосини камайтириш учун фотоэлектрик қурилмаларни ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш буюртмачи томонидан билдирилган аниқ техник талаблар асосида амалга оширилади.

– Жорий йилда ilk давлат буюртмасини бажардик, – дейди корхона бош муҳандиси Элмурод Абдуллаев. – Компаниямиз томонидан ишлаб чиқарилган қуёш панеллари Наманган туманида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойларга ўрнатилди. Биноларнинг томида жойлашган ҳар бир қуёш панели уй ичидаги чироқларни ҳамда телевизорни энергия билан бемалол ва тўла таъминлайди. Қурилма кунига 1,7 киловатт электр энергияси ишлаб чиқаради. Буюртмачиларимизнинг қўнчилигини ҳусусий уй-жойлар эгалари ва фермер ҳўжаликлари ташкил этади. Улар қуёш батареяларидан ўз уйлари, дала ҳовли ва ер участкаларини ёритишда, телевизор ва компьютер каби кичик қувватдаги электр жиҳозларини ишлатишда фойдаланимоқда. Сўнгги йилларда маҳсулотларимиздан бизнес мақсадларида фойдаланувчи корпоратив мижозлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Маълумки, энергияни узоқ масофага етказиб беришда энергия сарфи ва техник узиллишлар эҳтимоли ортади. Бундай шароитда алоҳида ишловчи энергия манбалари

яхши самара беради. «Solar Energy Products» маҳсулотлари ҳам марказий энергия таъминотидан узоқда жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари, фермер ҳўжаликлари, маиший хизмат субъектлари ва хонадонларда кенг фойдаланилмоқда. Бу аҳолини электр ва иссиқлик манбаи билан таъминлаш, табиий захираларни тежаш имконини бermoқда.

Масалан, корхонада ишлаб чиқарилаётган муҳассалашган фотоэлектрик қурилма соатида бир йўла 170 ватт электр энергияси ва 60 даражагача иссиқликдаги 20 литр сув олиш имконини беради. Сув кўтариш ускунаси сув танқис бўлган ҳудудлар аҳолиси учун қўл келади. 2013 йилда Фарғона водийси ва Қашқадарё вилоятидаги қатор фермер ҳўжаликлари айна шундай қурилмалар етказиб берилди.

– Баҳорда ҳовлимизга қуёш панели ўрнатган эдик, – дейди Сурхондарё вилоятининг Сароисий туманида яшовчи Элмурод Ҳамдамов. – Шундан бери электр таъминотида узиллиш бўлгани йўқ. Бу ҳар бир оила учун керак экан: ҳам рўзгор юмушлари жой-жойида бўлади, ҳам маблаг тежаллади. Ундан фойдаланиш жуда осон, атроф-муҳитга умуман зарар етказмайди.

«Solar Energy Products» масъулияти чекланган жамияти касб-хунар коллежлари билан ҳам илмий ҳамкорликни йўлга қўйган. Сентябрь ойида Тошкент шаҳар қурилиш-коммунал касб-хунар коллежига кўн давомида 10 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга фотоэлектрик станция ўрнатилди. Ушбу станция коллежнинг компьютер хонасини экологик тоза электр энергияси билан таъминламоқда. Энди ушбу касб-хунар коллежиди Физика-техника институти ва «Solar Energy Products» корхонаси ҳамкорлигида қуёш фотоэлектрик станцияларини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Бундай изчил ишлар мамлакатимиз мукўбил энергия манбалари салоҳиятидан тобора самаралироқ фойдаланиш, иқтисодиётимиз ривожини ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

(ЎЗА)

(Давоми. Боши 1-бетда)
БОРИС КОРОБКО, Украина
Фанлар академияси академиги:

– Президент Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш, экологик соф технологияларни ҳаётга жорий этиш,

муқобил энергиядан фойдаланиш кенгайтириш, бу борада изчил ишларни олишларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганидан яхши хабардоримиз.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида олимлар учун яратилган шарт-шароитлар бу соҳага қаратилган эътиборнинг амалдаги яққол ифодасидир.

Ушбу институтида яратилган илмий тадқиқотларни хорижда ҳам яхши билишади. Бир неча йил илгари бу ерда қуёш нурини лазер нурига айлантириш технологияси яратилгани илмий доираларда катта шов-шув бўлган эди. Бу технология 2010 йилда ЮНЕСКОнинг илмий ҳисоботида энг яхши ишланмалардан бири сифатида эътироф этилган.

Майкл ТЕНГ, Сингапур
ишлаб чиқарувчилари федерацияси вакили:

– Ўзбекистон мукўбил энергия манбаларини ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга экан,

нига амин бўлдим. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида экологик соф энергиядан фойдаланиш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар эътиборга молик. Институтида амалга оширилаётган

қуёш энергияси экологик софлиги ва қўлайлиги нуқтаи назаридан жуда истиқболлидир. Қуёш қурилмалари марказлашган электр ва иссиқлик тизимларида узоқда жойлашган ҳудудларни электр энергияси ва иссиқлик билан таъминлашда жуда фойдали. Ўзбекистон бу борадаги мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланаётгани қувонарли.

Петерис ШИПКОВС,
Латвия Фанлар академиясининг физика-энергетика институти энергия ресурслари лабораторияси мудири, профессор:

– Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори энергетика ҳам жадал ривожланимоқда. Паркентдаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида амалга оширилаётган ишларни қўриб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Институтида йирик ва кичик қуёш энергетик қурилмаларини яратиш, қуёш қурилмаси функционал имкониятларини кенгайтириш каби йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Институти олимлари билан тажриба алмашиш, дунёда энергетика соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида фикрлашиш имкониятига эга бўлдик.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
Холмурод САЛИМОВ
эзиб олди



ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Соҳанинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани натижасида 2013 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1377 тани ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори босма ва электрон медиа тузилмалар, наشريёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатуви ташкилотлар фаолиятини бугунги тезкор давр талабига монанд йўлга қўйиш учун зарур шароит яратиш, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қарор ахборот соҳасини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролинини оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

– Президентимиз томонидан матбаа соҳасини ривожлантиришга кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрлик жамоамиз фаолиятида ўзининг яққол ифодасини топиқда, – дейди «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари Мухаммадхон Зайтаев. – Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган тегишли қарори асосида корхонамиз учун ҳам қўшимча қўлайлик ва имтиёзлар яратилди. Бу янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, соҳани техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, пировардида босма маҳсулотларнинг сифати ва турини қўлайитириш, таннархини нисбатан арзонлаштириш имконини бermoқда.

«Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмасида қатор босма даврий нашрлар ва нашриётлар, электрон оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятига оид маълумотлар асқ этган махсус стендлар, ранг-баранг маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Миллий кўргазма доирасида ноширларимиз томонидан икки юздан зиёд янги номдаги китоб тақдироти, адаб ва шоирлар, кўргазма иштирокчилари билан учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Уч кун давом этадиган мазкур кўргазмада мамлакатимиздаги олтидан зиёд, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Германия, Россия каби ўндан ортиқ давлатлар компаниялари ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Улардан бири Германиянинг полиграфия дастгоҳлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Heidelberg» компаниясидир. Компания 15 йилдан буюн мамлакатимизнинг матбаа бозорига босмаҳоналар, нашриёт-матбаа ижодий уйлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

– Ушбу кўргазма Ўзбекистоннинг полиграфия соҳасидаги улкан салоҳиятини, мавжуд имкониятларини, янгидан-янги истиқболларини намойиш этишда, соҳага оид янгиликлар билан таъинишда муҳим ўрин тутди, – дейди Германиянинг «Heidelberg» компаниясининг митингавий офиси раҳбари Йозеф Мозер. – Матбаа корхоналарига қўшимча иқтисодий қўлайликлар яратиш, янги маърифат масканларини барпо этишга оид саъй-ҳаракатлар юртингизда таълим соҳасидаги ислохотларни янада ривожлантириш, ёшларни юксак билим ва тафаккур соҳибига қайта етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмаси доирасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон уюшмаси, Фанлар академияси, бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажақга эътибор» шiori остида «Жамиятнинг маънавий-маърифий тараққиётида китобнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилади.

Кўргазма давомида «Йилнинг энг яхши китоби» V республика кўрик-танловининг натижалари ҳам эълон қилинади. Унда мамлакатимиз нашриётлари бешта йўналиш бўйича китоблари билан қатнашади. Танлов ғолиблари «Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмаси якунида ташкилотлар томонидан тақдирланади.

Назokat УСМОНОВА



ИШ РЕЖАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ - ЭКСПОРТГА

лар тўғрисидаги Карори мамлакатимиз фармацевтика sanoatining экспорт salohiyatini yanada kengaytirishga xizmat qilmoqda. Ushbu xujjatga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki xuzurida Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining eksportini qulab-quvvatlash jamgarmasi tashkil etildi. Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki, Savdo-sanoat palatasi, kichik biznes hamda xususiy tadbirkorlik bo'limlari

– O'zbekiston bazoriga sifatli dori-darmonlar etkazib berishdan tashqari, ularni eksport qilib kulamini ham kengaytirmoqdamiz, – deydi "Jurabek Laboratories" mas'uliyati cheklangan jamiyatining marketing va savdo b'limi rahbari Aziz Soipov.

– Bu borada bizga kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining eksportini qulab-quvvatlash jamgarmasi yqindan yrdam bermokda.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

— Ўзбекистон бозорига сифатли дори-дармонлар етказиб беришдан ташқари, уларни экспорт қилиш кўламини ҳам кенгайтирмоқдамиз, — дейди «Jurabek Laboratories» масъулияти чекланган жамияти-нинг маркетинг ва савдо бўлими раҳбари Азиз Соипов. — Бу борада бизга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси яқиндан ёрдам бермоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

**СУД
ЭКСПЕРТИЗАНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИКБОЛЛАРИ**

Анжуамда халқаро экспертлар Ўзбекистонда суд экспертизасининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, экспертизага материаллари тайёрлаш, суд экспертизанинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали таъминлаш борасидаги фаолиятига юқори баҳо бердилар.

Тадбирда суд-экспертлик фаолияти, одил судловни таъминлашда экспертизанинг ўрни, уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар билан бирга суд-фонография, геном дактилоскопия, ашёвий далилларни текшириш учун қўлланиладиган замонавий усулларнинг бугунги имкониятлари муҳокама этилди.

(Ÿ3A)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Саноат корхонаси
ишлаб чиқариш
жараёнида тажрибаси
бўлган**

– 4-6 тоифали электр
монтажчилар;
– 4-6 тоифали
электрикларни доимий
ишга қабул қилади.

**Иш ҳақи 2 миллион сўм
ва ундан юқори.**

**Корхона ишчиларни хизмат
транспорти, бепул овқат
билан таъминлайди. Иш ҳақи
ўз вақтида тўланади.**

(90)167-17-58

Мулоқот учун телефонлар:

«SPARETRA» МЧЖда 2013 йил 20 октябрдан 2013 йил 20 ноябргача ўтказилган кимошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
21.10.2013	Миробод тумани СИБ	2009 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 W 891 BA	18 050 000	19 175 000
24.10.2013	Қўйраб тумани СИБ	1971 й. и.ч. «Москвич 412» д.р. 11 Y 2850	214 731	280 000
		1983 й. и.ч. «Газ 24» д.р. 10 D 214 DA	786 392	860 000
	Бекобод шаҳар СИБ	2005 й. и.ч. «Матиз-Бест» д.р. 10 G 839 EA	13 818 507,80	14 750 000
25.10.2013	Бектемир тумани СИБ	2010 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 01 L 955 HA	40 000 000	41 800 000
28.10.2013		2008 й. и.ч. «Нексия сонс» д.р. 01 G 778 EA	22 000 000	24 150 000
		2005 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 T 881 AA	23 000 000	24 200 000
		2009 й. и.ч. «Нексия сонс» д.р. 01 N 412	26 678 370,50	28 200 000
		2011 й. и.ч. «Нексия сонс» д.р. 01 L 383 MA	29 440 000	30 950 000
04.11.2013	M. Улугбек тумани СИБ	1999 й. и.ч. «MAN» д.р. 16 M 6959	41 862 000	43 650 000
	Бекобод шаҳар СИБ	1971 й. и.ч. «M-412» д.р. JG 9191 TШ	98 856	120 000
		1972 й. и.ч. «Ваз 2102» д.р. 10 J 607 DA	2 063 070	2 205 000
		1995 й. и.ч. «Газ-31029» д.р. 11 Z 6117	2 020 844	2 260 000
		1995 й. и.ч. «Ваз-21091» д.р. 11 L 641 FA	6 675 341,04	7 450 000
	Пискент тумани СИБ	2001 й. и.ч. «Нексия-GLE» д.р. 10 925 LAA	13 920 255	15 150 000
	Ангрен шаҳар СИБ	1990 й. и.ч. «ИЖ» д.р. 10 L 975 AA	797 391,82	875 000
	Бўха тумани СИБ	1993 й. и.ч. «Газ-31029» д.р. Z 721 MBM	1 375 015	1 490 000
05.11.2013	Бектемир тумани СИБ	1984 й. и.ч. «ГБАСПГ Ваз-2107» д.р. 01 N 812 MA	6 975 432	7 300 000
11.11.2013	Олмалик шаҳар СИБ	1998 й. и.ч. «Газ 3110» д.р. 10 W 031 FA	6 741 381	7 155 000
		2009 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 E 267 EA	16 100 000	17 150 000
		1988 й. и.ч. «Москвич 412» д.р. 10 S 845 BA	1 311 448	1 440 000
	Чилонзор тумани СИБ	1984 й. и.ч. «Ваз 2102» д.р. 11 T 7056	1 172 444,80	1 275 000
		2010 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 60 151 JAA	34 676 336,7	36 350 000
		2005 й. и.ч. «Матиз» д.р. 11 Z 3138	12 469 325,5	13 250 000
		2009 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 J 674 CA	27 540 000	29 230 000
	Зангиота тумани СИБ	2008 й. и.ч. «Дамас» д.р. 01 K 882 GA	19 892 000	21 100 000
18.11.2013	Шайхонтоҳур тумани СИБ	2002 й. и.ч. «Мерседес Бенц C240» д.р. 10 P 479 FA	39 501 000	41 290 000
		2010 й. и.ч. «СПАРК» д.р. 01 X 708 KA	26 730 000	27 980 000
		2010 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 434 CBA	27 753 660	29 010 000
		2012 й. и.ч. «СПАРК седан» д.р. 01 Y 466 KA	29 160 000	30 480 000
	Миробод тумани СИБ	2006 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 P 341 AA	23 800 000	24 880 000
	Бўстонлик тумани СИБ	1988 й. и.ч. «M 412 ИЗ» д.р. 11 Z 8304	436 686	480 000
	Бекобод шаҳар СИБ	1987 й. и.ч. «ИЖ 21-25» д.р. 11 I 2296	301 860	380 000
		1982 й. и.ч. «Москвич» д.р. 10 F 897 DA	242 897	280 000
		1976 й. и.ч. «M-412 ИЗ» д.р. 11 G 4538	122 914	165 000
	Миробод тумани СИБ	2012 й. и.ч. «Спарк 1» д.р. сиз	29 159 190	30 550 000
		2008 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 Q 041 EA	14 233 055	15 150 000
19.11.2013	Чирчиқ шаҳар СИБ	2007 й. и.ч. «Daewoo Nexia D» д.р. 10 411 EAA	26 411 000	27 650 000
		2009 й. и.ч. «Chevrolet Lacetti» д.р. 10 640 BAA	42 632 000	45 275 000
		2008 й. и.ч. «Daewoo GBA CPG Damas» д.р. 10 402 EAA	21 229 000	22 525 000
		2007 й. и.ч. «Daewoo GBA CPG Damas 150 STD» д.р. 10 408 EAA	20 499 000	21 725 000
		2005 й. и.ч. «Daewoo Nexia D» д.р. 10 475 AA	19 684 000	21 200 000
		2009 й. и.ч. «Мидибус SAZ NP21» д.р. 10 842 DAA	53 657 000	56 950 000
		2009 й. и.ч. «Мидибус SAZ NP21» д.р. 10 843 DAA	53 637 000	56 850 000
		2005 й. и.ч. «Daewoo GBA CPG Damas» д.р. 10 421 EAA	19 592 000	20 800 000
		2008 й. и.ч. «Daewoo GBA CPG Damas» д.р. 10 405 EAA	21 488 000	22 730 000
		2009 й. и.ч. «Yaz 315195» д.р. 10 801 DAA	28 843 000	30 650 000
		2005 й. и.ч. «Daewoo Nexia D» д.р. 10 401 EAA	27 029 000	28 700 000
		2007 й. и.ч. «Daewoo Nexia D» д.р. 10 409 EAA	26 616 000	28 350 000
		2008 й. и.ч. «Daewoo GBA CPG Damas» д.р. 10 399 EAA	20 679 000	21 975 000
		2008 й. и.ч. «Daewoo GBA CPG Damas» д.р. 10 406 EAA	20 923 000	22 225 000
		2007 й. и.ч. «Daewoo GBA CPG Damas 150 DLX» д.р. 10 403 EAA	20 761 000	22 025 000
		1998 й. и.ч. «Daewoo Nexia D» д.р. 10 437 FAA	17 901 000	19 075 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55 га мурожаат қилинг

Спорт янгиликлари



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Андижон вилоятидаги «Соғлом авлод» стадионига йиғилган мухлислар «Андижон» ҳамда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоалари ўртасидаги футбол бўйича ўртоқлик учрашувига гувоҳ бўлишди.

Шуниси эътиборлики, ҳозирда футбол мавсуми якунланганига қарамай Андижонда мухлислар учун ушбу футбол шоуи ташкил этилди. Маълумки, жорий йилда биринчи лигада қатнашган «Андижон» жамоаси якунда биринчи ўринни эгаллаб, профессионал футбол лигасига қайтган, келгуси йилдан Азамат Абдураимов бош мураббийлигида андижонлик чарм тўп устаси яна кучлилар сафида тўп суришади.

Бундан ташқари «Андижон» жамоасининг моҳир футболчиси Дмитрий Краев жиддий жароҳат олган, бу футболчини хорижда даволанишига имкон яратиш мақсадида «Андижон» клуби раҳбарияти ва футболчилар ушбу хайрия учрашувини уюштиришга аҳд қилишди. Про-

фессионал футбол лигасида бешинчи марта Ўзбекистон чемпиони бўлган «Бунёдкор» клуби мураббийлари ва футболчилари андижонликларнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлашди ва ўртоқлик учрашувидан иштирок этишди.

Ўйинда «Бунёдкор»нинг тўпураи Пишур ҳамда миллий терма жамоага жалб этилган футболчилардан ташқари барча аъзолари қатнашди. Қизиқарли ва мурасасиз кечган баҳс 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди. «Бунёдкор»дан Анвар Бердиев ва Олег Зотеев голларга муаллифлик қилишди.

Футбол шоу якунида стадионга таширф буюрган санъаткорлар иштирокида мухлислар учун концерт дастури намойиш этилди.

Пойтахтимиздаги 106-мактаб интернатда болалар ва ўсмирлар ўртасида шашка бўйича Тошкент шаҳар чемпионати ўтказилди.

МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

Республика Миллий паралимпия ассоциацияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу беллашувларда шашка сирларини ўрганишга аҳд қилган умидли ёшлар ўзаро беллашди. Шунинг таъкидлаш жоизки, юртимизда паралимпия спорт турларини

янада ривожлантириш мақсадида паралимпия ҳаракатига жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижалар ёмон эмас. Имконияти чекланган спортчилар паралимпия турнирларида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Ана шу мақсадда 106-

мактаб-интернатда ташкил этилган шашка мусобақаси ҳам қизиқарли кечди. Дарвоқе, чемпионат доирасида шашка бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони Азиз Содиков билан ёш умидли спортчилар ўртасида учрашув ҳамда маҳорат дарслари ташкил этилди.

Байрамона руҳда ўтган мусобақалар якунида голиб ва совриндор бўлган ёш шашкачиларга совринлар, эсдалик совғалари тўхфа этилди. Мусобақа ташкилотчилари ана шундай хайрли тадбирларни тез-тез уюштиришга аҳд қилишди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Анжуманлар

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси Ф. Баҳодировнинг маърузаси тингланди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, 2013 йилнинг январидан бошлаб мамлакатимизда умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация химоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди.

Янги тизимни амалиётга жорий этиш борасида тизимли равишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан «Олий малакали илмий

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссияси томонидан «Фан доктори илмий даражасини бериш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар: тажриба ва амалиёт» мавзусида матбуот анжумани уюштирилди.

ва илмий педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатининг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Олий аттестация комиссиясининг «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги Низом», «Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди.

диқланди, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди ва амалиётга жорий этилган кувонарли ҳолдир.

Бугунги кунда фан доктори илмий даражасини берувчи 40 та илмий кенгаш тuzилган, улардан 31 таси етакчи олий таълим, тўққизтаси эса илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида ўз фаолиятини бошлаган.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш шаҳарлар, туманлар, аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлиги чораларини қучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга оид кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда ҳам 20 ноябрдан 20 декабргача республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги бўлиб ўтмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

КЎРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник И.Юлдашев ва бошқалар мамлакатимизда ёнғинларнинг олдини олиш, объектларда ёнғин хавфсизлиги чораларини қучайтириш, инсонларнинг «тилсиз ёв» натижа-сида тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлишларига йўл қўймаслик, ёнғинлар сонини қамайтириш ҳамда моддий бойликларни сақлаб қолиш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан бу борада амалга оширилаётган бир қатор ишлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, 2013 йилнинг ўтган ўн ойи давомида ёнғинлар сабабли инсонларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари 5,7 фоизга, ҳалок бўлиш ҳолатларининг эса 24,8 фоизга қамайишига эришилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида содир бўлган 10 мингдан

ортиқ ёнғинларнинг қарийб 9 мингга яқинини бошланғич жараёнида ўчиришга эришилди. Ёнғинларда 139 нафар фуқаронинг ҳаёти сақлаб қолинди, 107 миллиард сўмдан ортиқ моддий бойликларни асрашга муваффақ бўлинди.

Умумий ёнғинларнинг 70 фоиздан кўпи аҳоли турар жойларига тўғри келганлиги сабабли аҳоли истиқомат қиладиган яқка тартибдаги ва кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилган.

Ёнғинларнинг олдини олиш борасида ахборот-тушунтириш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ ҳўжалиги масканлари, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва фуқаролар кўп йиғиладиган жойларда 30 мингдан зиёд ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган. Аҳоли ўртасида қўллаб-қувватлаш уюш-тирилиб, уларда ёнғинларнинг пайдо бўлиш сабаблари, ўчириш воситалари ҳамда усуллари ҳақида маълумотлар берилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атофлича жавоб олишди.

Абдували СОДИКОВ

2013 йил — Обод турмуш йили

БОЛАЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Пойтахтимизда БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг «Дунё болаларининг аҳволи — 2013» глобал ҳисоботи тақдими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси болалар ижтимоий мослашуви маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ томонидан ҳар йили анъанавий равишда ишлаб чиқиладиган дунёда болаларнинг аҳволига оид глобал ҳисоботнинг мавзуси бу йил имконияти чекланган болаларни жамиятга интеграциялаш масалаларига бағишланди.

Ҳисоботда қайд этилишича, бугунги кунда сайёрамизда 93 миллион нафар ногирон бола ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини муҳофазалаш, таълим-тарбия бериш, саломатлигини яхшилашга қўмаклашиш жаҳон ҳам-мийнати олдига турган долзарб вазифалардандир.

Тадбирда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ва-колатхонаси раҳбари Р.Фудерич, Республика бола-лар ижтимоий мослашуви маркази директори В.Алимова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, болалар саломатлигини асраш ва манфа-атларини муҳофаза қилиш Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохот-ларнинг устувор йўналишларидан эканини таъкид-ладди.

Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғри-сидаги халқаро конвенцияси ихросини таъминлаш-га алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2008 йил 7 ян-варда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафо-латлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазкур ишлар қўламини кенгайтиришда му-ҳим дастуруламал бўлаётди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели БМТнинг Мингйил-лик ривожланиш мақсадларига эришишнинг сама-рали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилган. Юртимизда жаҳон андозалари даражаси-да барпо этилган бирламчи тиббий-профилактика тизими, она-бола скрининг хизмати касалликлар ва болалар ногиронлигининг олдини олиш, оилада соғлом фарзандлар туғилишини таъминлашга хиз-мат қилаётди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини фойдали микроэле-ментлар билан бойитиш, иммунизация тадбирла-рини режа асосида ташкил этиш, болалар ўртаси-да витамин етишмаслигининг олдини олиш мақса-дида саплементация тадбирларини ўтказиш, ҳоми-ладор аёлларга бепул поливитаминлар етказиб бериш борасида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бераётди.

Ногирон болаларни жамиятга интеграциялаш, уларнинг саломатлигини яхшилаш, ижодий қоби-лиятини юзага чиқаришга қўмаклашиш, ҳар томон-лама тиббий-ижтимоий қўмак кўрсатиш ҳам дои-мий эътиборда. Мамлакатимизда бу борадаги ва-зифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилот-лари қатори жамоат тузилмалари ҳам фаол иш олиб бораётди.

«Ҳар бир фарзанд — меҳр ва эътиборда» мавзу-сида тиббий ва ижтимоий акциялар ўтказиш анъа-нага айланган. Инклюзив таълим тизими тобора ри-вожланмоқда. Таълим муассасаларида имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари қаторида таълим олиши учун барча қўлайликлар яратилган. Мурувват уйлари, махсус таълим ва соғломлашти-риш муассасаларининг моддий-техника базаси йил-дан йилга такомиллаштирилмоқда. Ногирон фарзанд тарбиялаётган оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилган.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш, имконияти чекланган болаларни қўллаб қувватлаш, бу борадаги қонуний асосларни янада такомиллаштириш, дунё болаларининг аҳво-лига оид глобал ҳисоботда илгари сурилган дол-зарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини қучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МҲҲда 2012 йил 20 октябрдан 2013 йил 20 ноябргача ўтказилган кимошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаи	Ким томонидан савдога қўйилган	Қўчмас мулк номи ва манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
11.11.2013	Ҳамза тумани СИБ	Ҳамза тумани СИБ томонидан 20.06.2013 й. № 1-382/13 - сонли ижро ҳужжатида асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, С. Машҳадий 1-берк кўчаси, 1-уй	7 747 800	8 400 000
		Ҳамза тумани СИБ томонидан 20.06.2013 й. № 1-382/13 - сонли ижро ҳужжатида асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Риёзий кўчаси, 59-уй	268 369 664	280 400 000
		Ҳамза тумани СИБ томонидан 20.06.2013 й. № 1-382/13 - сонли ижро ҳужжатида асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Риёзий кўчаси, 14-уй	96 952 523	102 250 000
18.11.2013	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24 - сонли ижро ҳужжатида асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс Сервис» х.к. ҳудудида жойлашган ошхона биноси	222 107 306	232 200 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Теле-фон: (+99871) 212-89-55 га мурожаат қилинг.



Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 1141

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8594 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ